



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 101 (10.406) / 2005 ЙИЛ 26 МАЙ

ХИТОЙГА ТАШРИФ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 май куни давлат таширифи билан Хитой Халқ Республикасига жўнаб кетди.

— Хитой — бугунги кунда нафақат ўз минтақаси, балки бутун дунёда кўпчилигини ҳавасини келтирадиган даражада тараққий этиб бораётган мамлакат, — деди Президентимиз Пекинга жўнаш олдидан журналистлар билан суҳбатда. — Ялпи ички махсулот ўсиши бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради.

Ўзбек ва хитой халқлари Буюк Ипак йўли орқали қадимдан ҳамкорлик қилиб келган. Ўртимиз истиқлолга эришган, бундай ҳамкорлик янгича мазмун касб этди.

Давлатимиз раҳбари таширифдан кўзланган мақсадлар ҳусусида тўхтаб ўтган экан, Хитой раҳбарияти билан ўзаро савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий, таълим ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, турли халқро муаммолар, хусусан, террорчилик, айирмачилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда курашиш борасидаги масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашиш эканини таъкидлади.

Президент Исмоил Каримовнинг Хитойга таширифи чоғида икки томонлама ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

ПЕКИН, 25 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат таширифи бошланди. Пекин марказидаги Халқ вакилларининг йиғинлар уйида расмий кутиб

олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао фахрий қоровул сафи олдидан ўтди. Исмоил Каримов ва Ху Цзиньтао шохсупага кўтарилди. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг яқма-яқма суҳбатига ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ўзаро савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва маданий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Томонлар нефт-газ, сайёҳлик, таълим, юқори технологиялар, транспорт коммуникациялари, тўқимачилик, кончилик санатои соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Музокаралар якунида Исмоил Каримов ва Ху Цзиньтао ўзаро Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги қўллаб-қувватлаш алоқаларни янада ривожлантиришни кўзда тутувчи ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Исмоил Каримовнинг ХХРга давлат таширифи давом этмоқда.

Ислом КАРИМОВ: ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов Хитой Халқ Республикасига давлат таширифи билан жўнаб кетиши олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситаларига интервью берди. Унда 13 май куни Андижон шаҳрида рўй берган фожиали воқеаларга яна бир бор тўхтади.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Андижон шаҳрида фожиали воқеаларни ташкил этганлар ўзининг қабиҳ ниятига етолмади. Чунки, халқ уларни қўллаб-қувватламади, уларнинг сохта даъватларига эргашмади. Шунинг учун ҳам уларнинг ёвуз хатти-ҳаракатлари вақтида бартараф этилди.

Андижон шаҳрида тинч ҳаёт ўз маромида давом этмоқда, деди Президентимиз. Лекин юз берган воқеалардан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолувчилар ҳамон тинчигани йўқ. Кимдир турли миш-мишлар билан оламга жар солмоқчи бўлса, яна кимдир ўзича турли даъволар билан чиқишга уринмоқда. Уларнинг фикрича, Андижон воқеаларини халқро комиссия текшириши керак эмиш.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан Андижонда юз берган фожиали воқеалар юзасидан тергов ишлари олдидан боғрилмоқда. Айни пайтда Олий Мажлиснинг мустақил комиссияси тузилди. Унинг таркибига парламентнинг қуйи ва юқори палаталаридан вакиллар киритилган. Мақсад - фожиа сабаблари ва оқибатларини холисона ва сиңичиклаб ўрганиш, ҳар томонлама чуқур таҳлил этишдан иборат.

Энди саволи туғилади: олиб борилаётган текширишлар ниятисига етмасидан, парламентнинг мустақил комиссияси ўз ҳулосасини эълон қилмасидан туриб, аюханнос солишга нима эҳтиёж бор? Қолаверса, мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик

ва ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқро ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур ваколатхоналарнинг вакиллари воқеа рўй берган жойга бориши, одамлар билан бе-малол суҳбатлашиши мумкин. Бунга ҳеч ким қаршилик қилаётгани йўқ. Аксинча, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатимизда фаолият юритаётган элчихоналар, халқро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари Андижонга бориб, рўй берган воқеа оқибатлари билан бе-восита танишиши, одамлар билан суҳбатлашиши учун махсус авиарейс ташкил этди. Ажабланарисини шундаки, Андижон воқеалари тўғрисида турли уйдирмаларни тарқатган хориж оммавий ахборот воситалари бу ҳақда ломим демади.

Халқро текшириш ўтказиш ҳақидаги фикрга қайта-қайта бўлса, бир гапни алоҳида таъкидламоқ лозим, деб ўйлайман, деди Исмоил Каримов. Ўзбекистон - мустақил мамлакат. Унинг ўз давлат тузуми, ҳукумати, халқ сайлаган парламенти ва Президентини бор. Шундай экан, нега энди четдан кимлардир келиб текшириш ўтказиши керак.

Президентимиз баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистондан Киргизистонга қочқинлар ўтаётгани тўғрисидаги бўҳтон гапларига тўхтаб экан, бу борадаги айрим маълумотларни келтирди.

Баъзи «жонқуярлар» Киргизистон ҳудудига Ўзбекистондан минглаб қочқинлар келди, қабилдаги уйдирмаларни тарқатган эди. Ваҳоланки, Киргизистон чегара қўшиқлари кўмондонлиги вакили расмий баёнот бериб, «қочқинлар» деб аталаётган бундай шахслар 531 нафар эканини маълум қилди. Бунинг устига, улардан 37 нафари Киргизистон фуқароси бўлиб чиқди. 12 нафари эса Андижондаги қамқоннадан террорчилик томонидан ноқонуний қўйиб юборилган шахслар экан. Ҳозир инсон ҳуқуқлари

ҳимоячиси қилиб кўрсатаётган айрим кимсалар томонидан «қочқинлар» деб аталаётган бундай шахслардан 73 та ўқ отар қурол мусодара қилинган. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ, бу «қочқинлар» ким эканлигини кўрсатиб турибди.

Жиноятчиларнинг айримлари қуролни топширмоқда. Террорчилар томонидан қамқоннадан чиқариб юборилган маҳбусларнинг кўпчилиги жазони ўташ жойларига ихтиёрий равишда қайтиб келмоқда. Таассуфки, хориждаги айрим «жонқуярлар», оммавий ахборот воситалари гўё буларни «кўрмапти», негадир тан олгиси келмапти.

Халқни алдаш, йўлдан уриш мумкин эмас, деди давлатимиз раҳбари. Аммо адашганлар бор, бўлиши мумкин. Чунки, беш кўл бора-бара эмас. Рўй берган фожиали воқеаларга нисбатан халқимиз ўзининг қатъий фикрини билдирмоқда. Бу офатни содир этганларнинг ва уларнинг орқасида турганларнинг асл мақсади нима эканлигини халқимиз аллақачон англаб етди. Шунинг учун, баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари жар солганидек, халқимиз ортқича ташвишга тушгани йўқ. Аксинча, ҳаёт ўз маромида давом этмоқда, яъни халқимиз бунёдкорлик ишлари билан банд.

Мамлакатимизнинг, халқимизнинг тинчлиги, оқойишталлиги, эртанги куни қандай бўлиши шу юртда яшаётган инсонларга, ҳар биримизга боғлиқ, деди Исмоил Каримов. Ўз олдимишга қўйган эзгу мақсадларни рўйбга чиқариш барчамиздан фидойиликни талаб қилади. Мен олдидан ҳам айтган фикримни яна такрорламоқчиман: шу Ватан учун, шу халқ учун керак бўлса, жонимни ҳам беришга тайёрман!

Халқимиз истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ танлаб олган ўз йўлидан ҳеч қачон оғишмайди. Шундай экан, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди, деб таъкидлади Ўрббошимиз.

(ЎзА)

XXI саҳоси
Барча маъбадрлар
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасида «Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари саломатлигини мустаҳкамлаш ишининг аҳволи» мавзусида семинар бўлиб ўтди.
- Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да «Пахта ва Ипак дунёси — 2005» мавзусидаги халқро кўргазма очилди.
- Навоий шаҳрида илк бор мактаб ўқувчиларининг «Иқтидор ва

истеъдоднинг сеҳрли олами» фестивали ташкил этилди.

Жаҳонда

- Кеча эрталаб Россия Федерацияси пойтахти — Москва шаҳрида юз берган техноген ҳалокат тудайли мамлакатнинг марказий ҳудудларидаги кўплаб электр станциялари ишлашдан тўхтади ва оқибатда шаҳарнинг катта қисмида ва яна кўплаб бошқа шаҳарларда электр энергияси узилиб қолди.
- Ўётнамда шиддат билан тарқалаётган парранда гриппига дучор бўлган кишилар сони юз нафарга етиб қолди. Ушбу грипп ўчоқлари қутулмагандан юзага келиши ва минглаб одамларнинг ёстигини қуритиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЮЗ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН «ИСРОИЛ — БИЗНИНГ УЙИМИЗ» ПАРТИЯСИ РАИСИ АВИГДОР ЛИБЕРМАННИНГ БАЁНОТИ

Хитой файласуфи Сантяна таъкидлаганидек, тарих сабоқларининг моҳияти уларнинг унутилганидадир. Қадимги донишманднинг ҳақ эканлигини ҳеч нарса ҳозирги дунёда ислом фундаментализми билдириётган муносабат каби тасдиқламайди. Бегуноҳ тўқилган қонлар ва таҳқирланган одамлар ҳаётини қанчалик тез унутилаётганини кўриб ҳайрон қолсан, киши.

Босқинчи — экстремистлар сайёрамизнинг барча нуқталарида одамларни ўлдирмоқдалар. Куддуз, Мадрид, Найроби, Бали оролида бомблар портламоқда. Нью-Йорк ва Москвада бинолар вайрон қилинмоқда. Бесланди гаровга олинганлар қурбон бўлмоқда. Ироқда қон тўқилмоқда. Ўзбекистондаги воқеалар бутун дунёга қарши қаратилган ҳарбий ҳаракатлар занжирининг янги бўғичига айланди. Айрим мамлакатларнинг раҳбарлари томонидан мусулмон фанатларининг қилмиш-

ларига нисбатан энгилтақлик билан билдириётган муносабат жиноятдир. Бироқ, энг даҳшатлиси, ақидаларасот қотилларни «миллий озодлик» ҳаракати жаңгичлари сафига қўшишгаётганидадир. Ислам фундаментализми ўзининг бор жон-жаҳди билан цивилизациямиз бошига ёғилганини тан олишни истамаётган сиёсатчилар бизни ажал қомига етакламоқдалар. Содир бўлаётган воқеаларга хотиржалмик билан қараётган БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўтган аср-

нинг ўттизинчи-қирқинчи йилларидаги Миллатлар Лигасининг аянчли хотирасини ёдга солади. Бундай ёндашув нацизмни оқлашга, дунёни Иккинчи жаҳон уруши фожиасига олиб келди. Андижонда рўй берган фожеали воқеалар ислом фундаментализми хавфи — шунчаки қуруқ сўзлар, тўқиб чиқарилмаган гап ва бўрттириб кўрсатиш эмаслигини яна бир бор бутун дунёга намойиш қилди. Биз ҳаммамиз Ўзбекистон Республикаси ҳу-

матининг террорга муносиб равишда зарба бериш ёки унинг фақат шу йўл билан ўз фуқаролари ва уларнинг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш мумкинлиги юзасидан адолатли ва оқилона интилишларини қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Ўзбекистонда рўй берган ҳодисаларнинг барчаси Эзгулик ва Ёзулик қучлари ўртасида уруш бораётганининг яна бир исботидир. Гаровга бизнинг ҳаётимиз ва тақдиримиз қўйилган. Қаердаки террорнинг ўчоғи пайдо бўлиши биланок, ҳамма ерда унга мустаҳкам ва қатъий қарши турмоқ керак. Тарихнинг бундай сабоқларини унуттиш бизга жуда қимматга тушиши мумкин. Бу урушда ғалаба қилиш имконияти ҳали бизда мавжуддир.

«Жаҳон» АА.

Хуқуқий ҳимоя**ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА**

Хозирги кунда хориз инвестициялар глобал иқтисодий интеграцияга кўмаклашувчи ва миллий бозорда рақобатнинг ривожланишига туртки бўлувчи асосий воситадир. Мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ортиқча ишчи кучидан умумий фойдаланиш давлат тараққийнинг гаровидир.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек "Хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб қилмай туриб, айниқса етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда тарқибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас". Чет эл инвестициясининг кириб келиши эса мамлакатда бевосита хориз сармоясининг кўпайишини таъминлайди. Рақамларга эътибор қаратсак, мамлакатимиздаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 2003 йилга нисбатан 2004 йилда 24 фоизга ошди. Бу жараёни янада ривожлантириш мақсадида 2005 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, чет эл инвестициясининг кириб келиши учун иккита муҳим шарт зарур. Биринчидан, мамлакатда ишлаб чиқариш кучлари ва табиий захиралар мавжуд бўлса, иккинчидан инвесторлар учун ишончли хуқуқий ҳимоя таъминланган бўлса ўша давлатга инвестиция ўз-ўзидан оқиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолият йўналишларидан бири бевосита ушбу соҳани бошқаришга ва хуқуқий ҳимояни амалга оширишга қаратилган. Тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-хуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган хуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради, уларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича муражаатларини кўриб чиқади, қўрилаган чора-тадбирлар тўғрисида уларни хабардор қилади.

Бу каби хуқуқий ҳимоянинг белгиланиши хориз инвесторларидан мамлакатимизга нисбатан ишонч тўғрисида. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг "Чет эллик инвесторлар хуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилинганлиги диққатга сазовордир.

Мардонбек БОБОЖОНОВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси

Инсоният цивилизацияси, башариёт тарихи Чин диёрига алоҳида ўрин берган. Бу ердан дунёга тарқалган ва аллақачон умуминсоний мулкка айланган қадриятлар анчагина. Конфуций, Дао ва Будда фалсафаси, ипак буюмлар, чой, чинни... Буларнинг давоми сифатида кунгун, халқ табобати каби санъатга айланган машғулотларни келтириш мумкин.

Хитой бугунги кунда нафақат ўз минтақаси, балки дунё давлатлари орасида кўпчиликнинг ҳавасини келтирадиган даражада шиддат билан тараққий этмоқда. У ўтган асрнинг 90-йилларидан буён ялпи ички маҳсулот ўсиши борасида жаҳонда олдинги ўринларда бормоқда. Мамлакатда иқтисодий ўсиш йилига 8-10 фоизни ташкил этапти. Дунё бўйича хорижий сармоянинг қарийб 20 фоизи Хитойга киритилапти.

Ўзбек ва Хитой халқлари қадимдан Буюк Ипак йўли орқали бир-бири билан алоқада бўлиб, бир-бирининг фани ва маданиятини бойитиб, ўзаро тажриба алмашиб келган. Хитойликлар айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, узум ва беда етиштиришни Ўрта Осиё халқларидан, жумладан, ўзбеклардан ўрганган. Бу ерда эса Чин юртининг ипакчилиги ва руда эритиш техникаси ўзлаштирилган.

ХХР Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган. 1992 йил 2 январь куни мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Шундан кейин икки томонлама дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари янгича асосда ривожлана бошлади. 1996 йили ХХРнинг ўша вақтдаги Раиси Цзян Цзэмин Ўзбекистонга ташриф буюрди. Президент Ислом Каримов 1992, 1994 ва 1999 йиллари Хитойга ташриф буюрди.

Ўтган йилнинг июнь ойида эса ХХР Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Ушбу ташриф асосида Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасида Шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Икки мамлакат хукуматлари ўртасида наркотик воситаларнинг, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва суиистеъмол этилишига қарши курашда ҳамкорлик қилишга, техникавий-иқтисодий ҳамкорликка оид битимлар имзоланди. Булардан ташқари, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Хитой Таълим вазирлиги ўртасида Тошкентда Конфуций номидаги институтни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, икки мамлакатнинг Адлия ва Маданият ишлари вазирликлари ҳамда нефт-газ компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон кўп йиллардан буён жаҳон ҳамжамиятини халқаро террорчилик, диний экстремизм ва айримчиликка қарши фаол курашга даъват этиб келади. Хитой томони эса халқаро муносабатлар доирасига мазкур уч иллат - халқаро террорчилик, диний экстремизм ва айримчиликни англатувчи «уч ёвуз куч» атамасини киритган. Бинобарин, мамлакатларимизнинг халқаро аҳамиятга молик бугунги энг долзарб муаммоларга муносабатлари

ҳам ўхшаш.

Ўзбекистон Хитой раҳбариятининг «хавфсизлик камари» тамойилини — қўшни давлатлар билан алоқаларини хар томонлама ривожлантириш орқали хавфсизликни таъминлаш ва тараққийни жадаллаштиришга асосланган ташқи сиёсатини, ХХР эса Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида изчил амалга оширилаётган ислохотларни, давлатимизнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи худудга айлантириш ва Марказий Осиё Умумий бозорини ташкил этишга оид ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик жа-

БУЮК ДЕВОРЛИ ОСМОНЎПАР ЮРТ

Хитой ҳақида ўйлаганда, киши кўз ўнгига, аввало, икки мўъжиза гавдаланади. Буюк Хитой девори ва «дунё томи» номини олган Жомолунгма (Эверест, 8848 м) чўққиси. Дунёда ўзига хос миллий, иқлимий ва жугрофий хусусиятларга эга давлатлар кўп. Лекин хар томонлама ноёб давлатларни санаб чиқиб унчалар қийин эмас.

дал ривожланмоқда. Ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 2003 йилдагига нисбатан қарийб икки баробар ортиб, 600 миллион АҚШ долларига етди. Иқтисодиёт ва савдодан ташқари, таълим, илм-фан ва техника, юстиция, маданият, транспорт соҳаларида ҳам кенг ҳамкорлик ўрнатилган.

Бу рақам ва мисоллар барча имкониятлар ишга солинганини англатмайди, албатта. Мамлакатларимизда уларни янада ошириш учун барча зарур шароит мавжуд.

Ўзбекистон билан Хитойнинг тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, машина-созлик, нефт-газ, кимё, коммуникация соҳаларидаги ҳамкорлиги ҳам жадал ривожланмоқда. Айни пайтда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес вакилларининг ҳамкорлигини рағбатлантирувчи механизмларни, савдо-иқтисодий муносабатларни имкон қадар эркинлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, бу йўлда учрайдиган тўсиқларни бар тараф этиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Фойдаланилмаётган имкониятлар икки томонда ҳам кўп. Ўзбекистон Хитой билан нефт-газ ва минерал конларини ўзлаштириш, волфрам ва бошқа қимматли металлларни қазиб олиш, кимё саноати, электроника маҳсулотлари ва компьютер техникаси ишлаб чиқаришда фаол ҳамкорлик қилиши мумкин.

2004 йилги Тошкент музокараларида Президент Ислом Каримов ўзаро шериклик муносабатларини кенг кўламада ривожлантириш бўйича катта битим тузишни таклиф қилди. Таклиф Хитой томонидан мамуният билан қабул қилинди.

ХХР Раиси Ху Цзиньтао ўзаро ишонч ва ҳурмат, икки томонлама манфаатдорликка таянган Ўзбекистон-Хитой муносабатларини халқларимизнинг умумий мулки деб атади.

Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш Буюк Ипак йўли орқали ўрнатилган ва раванг топан тарихий алоқаларни тиклаш ва ҳозирги замонавий ҳамкорликни кенгайтириш нуктаи назаридан ҳам долзарбдир. Айни пайтда икки томонлама муносабатлар ўз тарихидаги энг юқори поғонага кўтарилган. Бу фикрни кенроқ баён этиб, Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистонга ташрифидан кейин бўлиб ўтган тадбирларнинг айримларига эътибор берайлик.

Ўтган йилнинг ноябрида Пекинда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро комиссиясининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ўтган вақт мобайнида кўп йўналишлар, хусусан, сармоявий соҳада ҳамкорлик изчил ривожлангани таъкидланди. Жумладан, ҳозирги вақтда нефт-газ, телекоммуникация, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ипакни қайта ишлаш, коммунал хизмат соҳаларида Хитой компаниялари иштирокида қатор лойиҳалар амалга оширилаётгани қайд этилди. ХХР томонидан янги узоқ муддатли кредитлар ажратиш, ахборот технологиялари соҳасида хизмат қилувчи

Ўзбекистонлик мутахассисларнинг Хитойда малака ошириши бўйича дастур тайёрлаш, Ўзбекистонда паррандачилик учун дори воситалари тайёрлаш технологияларини ўзлаштириш борасида келишувларга эришилди.

Тадбир кунлари Ўзбекистон сармоявий салоҳиятининг тақдироти ўтказилди.

2004 йилнинг ноябрида Хитой пойтахтида илмий доираларнинг форуми бўлиб ўтди. Унда илм-фан ва техниканинг қарийб барча соҳаларида, айниқса, физика, ахборот технологиялари, математика, қуёш энергиясидан фойдаланиш, тиббиёт, тарих ва археология йўналишларида икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланаётгани таъкидланди. Қатор илмий-тадқиқот институтларининг (физика-техника, геология ва геофизика, сейсмология, микробиология, зоология, ўсимликлар кимёси, ноорганик кимё ва ҳоказо) яқин алоқалари, қўшма лойиҳалари, делегация алмашувлари, шунингдек, биргаликда амалга оширилаётган симпозиумлар сўнгги вақтларда илмий-техникавий ҳамкорлик юқори суръатда ривожланаётганини кўрсатмоқда.

Форум доирасида Ўзбекистон илмий салоҳиятининг тақдироти бўлди.

Жорий йилнинг май ойида Тошкент Давлат шарқшунослик институтида Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институти очилди. Хитой матбуоти маълумотларига кўра, айни кунларда Пекиндаги Миллатлар марказий университетидега ўзбек тили бўлимини очиб режалаштирилмоқда.

Апрель ойида Пекинда «Ўзбекистон фотографиясининг 125 йиллиги» мавзуда фотокурсама уюштирилди. Унда миллий фото санъатимиз асосчилари ва усталарининг 150 асари намойиш этилди.

Март ойида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкент-Шанхай йўналиши бўйича янги йўналиш очди. Бу ҳам амалий ҳамкорликнинг яққол намунасидир.

Яқинда Ўзбекистонда Хитой маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Буларнинг барчаси 2004 йил июнда Тошкентда Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао учрашувида эришилган келишувларнинг амалий самарасидир.

Бинобарин, кўплаб мамлакатларни боғлаган Буюк Ипак йўли айрим давлатлар учун робита бўлса, ўзбек ва хитой халқларининг миллий қадриятига айланган. Бу йўлдаги ҳамкорлигимиз янада ривож топаверишига шубҳа йўқ.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Иқтисодиёт

ЧЕТДАН
БУЮРТМАЛАР
ТУШМОҚДА

Мамлакатимиз иқтисодиётга ўзининг экспорт имкониятларини кенгайтириб муҳим ҳисса қўшиш ниятида иш юритаётган жамоалардан бири «Супромед» хусусий фирмасидир.

Айни пайтда тиббиётнинг физиотерапия, диагностика ва жарроҳлик йўналишларида ишлатилган ускуна ва жиҳозлар тайёрлаётган корхона тadbиркорлари, маҳсулот турларини 24 хилга етказишди. Улар орасида «Согдиана», «Амплимпулс», «Супровак», «Дарсона», «Покиза», «Ультра-дент» сингари тиббиёт ускуналарини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда тиббиёт масканларида, қишлоқ врачлик пунктларида ушбу замонавий ускуналар ёрдамида беморлар соғлиги мустаҳкамланмоқда.

Ички бозорни четдан келтириладиган ана шундай зарур маҳсулотлар билан таъминлаш баробарида бозор талабларидан келиб чиқиб изланаётган тadbиркорлар ўтган йилдан четга товарлар экспорт қилишни йўлга қўйди. Мутахассисларнинг изланишлари асосида яратилаётган тиббиёт ускуналарини жорий йилда ҳам Россия, Козогистон, Тожикистон сингари давлатларга экспорт қилиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда шартнома асосида ана шундай товарлар тайёрланмоқда.

Корхонада айни кунларда янги маҳсулот турларини яратиш устида иш олиб борилиб, инновацион лойиҳалар бўйича изланишлар кетмоқда. Жорий йилда 3-4 хилдаги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этиш кўзда тутилган.

МАҲСУЛОТ
ТУРИ ОРТАДИ

Маҳсулотнинг нафақат сифатини ошириш, балки бозор конъюктурасини ўрганиш асосида рақобатбардош турларини ҳам кўпайтириш харидорларни жалб этишда, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортishiда, корхона ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Туркия ҳамда Россия давлатларидаги ҳамкорлар билан узвий алоқада иш олиб бораётган «Рант-сервис» хусусий корхонасида ҳам янги маҳсулот турларини яратиш учун замонавий линия ва дастгоҳлардан унумли фойдаланилмоқда. Ўтган йил охирида корхонага Туркиядан алюмин профили ва металлдан тайёрланаётган эшик ва ромларни бўяш бўйича энг замонавий маҳсул линиянинг келтириб ўрнатилганлиги, маҳсулот сифатини таъминлаб, бюртмалар ошишида ихобий самарасини кўрсатди.

Шу кунларда эса тadbиркорлар автомобилларнинг олд ойнасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида янги дастгоҳни ишга туширишни режалаб туришибди. Шунингдек, металлдан бадий безак панжараларни ишлаб чиқарувчи цех очишни ҳам кўзда тутилган. Қўзланган режалар амалга ошиши янги ишчи ўринлари яратилишига ҳам омил бўлади.

Саидкарим
БОБОСАИДОВ

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунли
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **КЕЧА** Тошкент Кимё-технология институти қошидаги лицейда ўтказилган «Сўнги кўнғирок» тadbирини ўқувчилар ҳар бир фандан ўтказилган мусобақаларда белгиланган номинациялар бўйича ўз маҳоратларини синаб кўришди.

● **БУГУН** Юнусобод туманидаги 250-мактабда Андижон воқеаларига бағишланган тadbир бўлиб ўтди ва унда тумандаги 12, 86, 327, 302-мактаблар ўқувчилари ҳам иштирок этдилар.

● **КЕЧА** шаҳримиздаги «Марказий» меҳмонхонада Европа Иттифоқи ва МДХ бўйича меҳмонхона менежменти, туризм бўйича Глион Халқаро институти вакиллари ва Тошкент шаҳар меҳмонхоналари бош менежерлари иштирокида бизнес-семинар бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тошкентдонмаҳсулот» очiq турдаги акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган «Огоҳликка даъват» мавзuidaги тadbир иштирокчилари терроризм ва экстремистик гуруҳлар хатти-ҳаракатларини қоралашди.

● **ТОШКЕНТ** Молия-иқтисодиёт қоллежида «Камолот» ЁИХ Сергели тумани кенгаши ташаббуси билан тумандаги олти коллежнинг талаба-қизлари ўртасида «Спорт — сийҳат-саломатлик гарови» шиори остида волейбол бўйича мусобақа ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот
хизмати ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

— Бугунги кунда ўқувчиларнинг 2005 йил ёзги дам олишларини мазмунли ўтказишлари учун қизғин тараддуд кетмоқда. Бу йил Тошкент шаҳри мактабларини 1-11 синфгача бўлган 351430 нафар ўқувчи тамомлаш арафасида.

39260 нафар 9-синф ўқувчиларидан 4292 нафари академик лицейларга, 27439 нафари коллежларга ўқишга кириши мўлжалланмоқда. Улардан 7529 нафари эса мактабларда ўқишни давом эттирадilar. 11-синфни эса 10815 нафар ўқувчи тамомлайди. Қолган 308874 нафар ўқувчиларнинг ёзги дам олишлари куйидагича режалаштирилмоқда. 2500 нафар бошланғич синф ўқувчилари 25 та мактаб оромгоҳларига, 37468 нафардан ортиқ болалар қизиқишлари бўйича тўгаракларга, 76881 нафар болалар мактабларда ташкил этиладиган меҳнат амалиётига, 41435 нафардан ортиқ болалар мактаблардаги «Спорт соғломлаштириш майдончалари»да марокли дам олишлари кўзда тутилган. Шунингдек, шаҳримиздаги мавжуд 6 та Мехрибонлик уйларидаги жами 765 нафар тарбияланувчилардан 111 нафари мактабни битириш арафасида, 3 ёшгача бўлган 234 нафар болалар эса Мехрибонлик уйларида қоладilar. 60 нафари «Мехржон», 80 нафари «Алгоритм», 50 нафари «Қизил сой», 50 нафари «Зангори олов», 157 нафар бола

эса «Нур» номли оромгоҳларда дам оладilar.

Ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумини маънавий-маданий жиҳатдан марокли ўтказишлари учун барча таълим муассасаларининг кутуб-

Марақалар

ОРОМГОҲЛАР
МАВСУМГА ШАЙМИ?

Мана мактабларимизда ўқув йили якунланиб, сўнги кўнғирок жаранглади. Албатта юқори синф ўқувчилари ўзларининг орзу-мақсадлари сари интилиб, олий ўқув юртилари ҳамда коллеж ва лицейларга ҳужжатларини топшириш ниятидалар. Куйи синф ўқувчиларининг ёзги дам олиш таътилларини марокли ва мазмунли ўтказишлари борасида қандай ишлар режалаштирилмоқда, оромгоҳлар мавсумга шайми? деган ҳақли савол тугилади албатта. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўлими бошлиғи Саида АБДУРАҲМОНОВА шаҳримизда ёзги таътил кунларида болаларнинг дам олишларини ташкил этиш бўйича тайёргарликнинг бориши ва келгуси режалар хусусида бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

хона ва маънавий хоналари мавсум давомида тўлиқ фаолият юритади. Барча мактабдан ташқари таълим муассасалари мавсум давомида кучайтирилган тартибда ишлари режалаштирилди. Жорий йилнинг 16 май кунли мактаблар қошида ташкил этиладиган 25 та ёзги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларининг раҳбарлари ҳамда 450 нафар бош етакчи ва тарбиячилар учун шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази қошида ИИБ, ёнгин хавфсизлиги, йил

ҳаракати хавфсизлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармалари, ДСЭНМ, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Камолот» ЁИХ ходимлари иштирокида амалий ўқув семинари ўтказилиб, ҳар бир оромгоҳ учун тўрт хил

қўшма қарори ишлаб чиқилди. Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда академик лицей ва касб-хунар коллежлари негизида 9 та оромгоҳ ташкил этилиб, уларга иккинчи навбатда 2400 на-

фар ўқувчи жалб этиш мўлжалланган. Шу билан бирга ҳозирги кунда ўқувчиларнинг ёзги мавсумда маданий дам олишлари бўйича республика сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази билан қўшма қарор ишлаб чиқилди ҳамда республикамизда жойлашган қадимий ва янги барпо этилган қадимоларни зиёрат қилиш, маданият масканларига ташрифлар бўйича истироҳат боғлари билан ҳамкорликда режалар тузилмоқда.

Айтиш жоизки, ҳукуматимиз томонидан фарзандларимизнинг марокли ва кўнгилли дам олишлари, бўш вақтларини унумли ва мазмунли ўтказишлари учун барча шарт-шароитлар яратилишига ва айни кунларда оромгоҳларда ёзги мавсумга қизғин тараддуд бормоқда. Зеро ёшлар бизнинг келажакимиз. Шундай экан, фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом, жисмонан бакувват, илми ва қомил инсон бўлиб вояга етишишлари учун барчамиз гамхўрлик қилишимиз даркор.

Гулором ҲАМИДОВА
ёзиб олди

Ярмаркалар

ИШГА
ЙЎЛЛАНМАЛАР
БЕРИЛДИ

Яқинда Сергели туман ҳокимлиги ҳамда туман меҳнат бўлими ҳамкорлигида «Файз холдинг компанияси» акциядорлик жамияти худудида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

— Шу куннинг долзарб масаласига айланиб қолган, — дейди Сергели туман меҳнат бўлими раҳбари Холида Низомова, — аҳолини иш билан таъминлаш бўйича йиғилиб қолган қатор муаммоларни ечиш Тошкент шаҳар ҳокимлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармасига қарашли туман меҳнат бўлими зиммаларидаги асосий вазифа ҳисобланади. Яқинда Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясидаги нутқидаги ўринли танқид ва галдаги белгиланган вазифалардан жамоамиз ҳам тегишли хулосалар чиқарди.

Мазкур ярмаркага тумандаги мавжуд 33 та маҳаллада истикомат қилаётган доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли тақлиф этилди, айниқса, «Қилчок», «Иттифоқ», Амир Темур, «Оқибат», «Янги ҳаёт» маҳалларидан фуқаролар фаол қатнашдилар. Чунки меҳнат бўлими жамоаси аҳоли ичига кириб бориш мақсадида, асосийси меҳнат ярмаркалари самарадорлигини таъминлаш учун режали саъй-ҳаракатларни маҳаллалар билан ҳамкорликда амалга



оширмоқда.

Меҳнат ярмаркасида туманда фаолият юритаётган 16 та корхона, ташкилот ва муассасалар 275 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Ярмаркада 196 нафар фуқаролар қатнашиб улардан 77 нафарига ишга йўлланма берилди. «Файз холдинг компанияси» акциядорлик жамияти 54 та бўш иш ўринларини тақлиф этди. «Тошшаҳарнур» Давлат унитар корхонаси, «Новавтор» хусусий фирмаси, 13-қўриқ қурилиш отряди, 4-, 12-автобус саройлари акциядорлик жамиятлари, туман халқ таълими, ободонлаштириш бўлимига йўлланмалар берилди.

Шунингдек, ярмаркада ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш мақсадларида ўқув марказига юбориш учун 32 нафар доимий иш билан банд бўлмаган фуқароларга тегишли маслаҳатлар берилди.

Дилшод МАМАТОВ
СУРАТЛАРДА: меҳнат ярмаркаси-
дан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин
олган суратлар.

Бу — кизик

МУШУКЛАР
ШОҲИ

Йўлбарс ер куррасидаги жамики мушук зотларининг энг йириги ҳисобланади. Айниқса узоқ Шаркдаги Усеурия йўлбарсининг вази 270 дан 320 килограммгача етади. Йўлбарс йиртқич ҳайвонлар ичида ўзининг бакуватлиги, эпчилиги ва ўта сезгирлиги билан ажралиб туради. Йўлбарс 15 киши ўрнидан кўзгата олмаган ўлик буқани 12 метрга, бошқа бир йўлбарс эса ўзи ўлдирган отни 500 метргача судрай олади.

Ўз тўдасидан ажралиб қолган ёш филлар билан бўлган оғир жанглarda ҳам йўлбарслар ҳамisha голиб чиқа оладилар. Хушёр кузатувчи табиатушносларнинг ҳикоя қилишларича, бир сафар икита йўлбарс улкан филга хужум қилиб, охир-оқибатда уни енгиб, ўлдирган. Тўнғиз, кийик, буғу бу тирноқлари ўткир, ваҳоҳати кўрkinчи йиртқичнинг доимий ўлжаларидир. У тўғри келганда қуён, тулки, бўрсик, чиябўрини ҳам аямай еб кетаверади. Оч қолганда эса кемирувчиларни, қурбақаларни ва ҳатто меваларни ҳам танлаб ўтирмайди.

Тадқиқотчиларнинг кузатишича, ҳинд йўлбарслари бир кунда ўрта ҳисобда 7-9 килограмм гўшт ер экан. Демак, унга йилига 2,5-3,5 тонна (арслонниқидан деярлик икки марта кўп) гўшт керак бўлади. Турган гапки бунча гўштни йўлбарс ҳар кун ҳам топавермайди. Ови бароридан келмаганда у кўпинча оч қолади. Омади келганда эса гўштни бўқанча ейди. Усеурия йўлбарслари 30-50 килограмм гўшт истеъмол қиладди. Йўлбарс овчиларининг ҳикоя қилишича, ҳинд йўлбарслари бутун бошли бугунги икки кунда, ҳўкизни эса уч-тўрт кунда еб тугатади.

Йўлбарс тўйганидан кейин ўлжасининг қолдигини бошқа ҳайвондан сақлаш учун шохшабба, барг ва ўтларга ўраб қўяди.

Йўлбарснинг ўз болаларини парвариш қилиши, овга ўргатиши ҳам жуда қизик. Она йўлбарс овга чиққан дастлабки кундан бошлаб болаларига тирик ҳайвонни таъбиқ қилиш, ўлдирини ўргатади. Масалан у буқани таъбиқ этади, кейин унга хужум қилиб, қаттиқ ярадор қиладида, ерга йиқитиб, ўзи четга бориб туради. Ана шунда йўлбарс болалари тирик буқага ташланади. Буқа эса ўзини химоя қилади, ўриндан туради, жон ҳолатда қочмоқчи бўлади. Унинг ҳаракатларини диққат билан кузатиб турган она йўлбарс буқани яна ерга ағдаради, ана шундан кейин йўлбарсчалар ўз вазибаларини қўйилмақом қилиб бажарадилар.

Йўлбарс — «Кизил китоб»га киритилган. Инсон табиатни тобора кенг эгаллаб бориши натижасида уларнинг сони кескин камайиб кетди. Бундан 70 йил олдин ер юзасида тахминан 100 минг йўлбарс бор эди. Шундан 40 мингги Хиндистонда эди.

Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи Хиндистондаги йўлбарсларни сақлаб қолиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Бу мамлакатда йўлбарсини сотиш, четга олиб кетишни тақиқлайдиган қонун кучга кирган.

Санжар РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент Молия
институтини талабаси



— Жуда ширин экан-а?
Наталья Семёнова олган сурат.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда «2004-2009 йилларда Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш ва умумтаълим мактабларининг педагог ходимлари орасидан илғор, ташаббускор ва ижодкор ўқитувчиларнинг турли йўналишдаги иқтидорларини аниқлаш ва уларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, аниқланган ижобий таърибаларни оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида шаҳримизда «Йил ўқитувчиси» кўриктанловини ўтказиш аънаанага айланган.

Кунги кеча шаҳримиздаги 324-ўрта мактабда «Йил ўқитувчиси-2005» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танлов тўрт босқич асосида яъни — биринчи босқич умумтаълим муассасаларида, иккинчи босқич барча туманлар миқёсида, айни кунда шаҳар миқёсида, сўнгра Республика миқёсида ўтказилади. Танловнинг якуний шаҳар босқичида ўн битта тумандан саралаб олинган етти туман мактабларининг ўқитувчилари ўзаро беллашдилар. Тадбир бошланишида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бoshқармаси бошлиғи Анвар Зокиров сўзга чиқиб,

бугунги кунда мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар, ҳукуматимиз томонидан ўқитувчи ва ўқувчиларга кўрсатилаётган гамхўрлик ва

ТОШКЕНТ ТАЪРИФИ

«Эски шаҳар бўйлаб саёҳат кишида ажойиб таассурот қолдиради. Тор кўчалар лабиринти пастқам, паҳса ва гиштдан қурилган уйлар, масжид ва мадрасалар билан яқиндан танишишга ундайдими».

Хиндистоннинг «Newswire» халқаро сайёҳлик газетасида чоп этилган «Тошкент: ўзбек маданияти бешиги» сарлавҳали мақола ана шундай сўзлар билан бошланади. «Тошкент Марказий Осиёнинг маркази. У ўзининг мукаммал халқаро хаво алоқалар тизимига эгаллиги боис, минтақанинг барча шаҳарларига авиақатновни йўлга қўйган», — дейди мақола муаллифи.

Тошкентнинг йирик саноат шаҳри экани, бу ерда машина-созлик, енгил ва тўқимачилик, кимё, тамаки ва мебель саноати ривож топганига эътибор қаратиш билан бир қаторда унинг тарихий обидалари ва маданият ўчоқларига алоҳида урғу берган.

Тошкент музейларида сақланётган бебаҳо ва хилма-хил ноёб экспонатлар ҳам мақола муаллифи эътиборидан четда қолмаган. У шубу маданият ўчоқларида узоқ ўтмишга, қадимий цивилизацияларга оид кўплаб қимматли ашёлар билан танишиш мумкинлиги ҳақидаги ахборотни газетхонлар эътиборига хавола қилган.

Шунингдек, газетда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Академик Катта Театри фаолияти ҳақида атрофлича маълумотлар ўз ифодасини топган.

Садриддин СУЯРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Дехли

дастурида белгиланган вазибаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида ўз иқтидорларини намоён этиб, муносиб баҳо олдилар.

Танлов сўнггида иштирокчиларнинг тўплаган баллари ҳисобланиб голиблар аниқланди. Юнусобод туманидаги 17-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Муяссар Хайдарова «Йил ўқитувчиси-2005» кўрик-танлови шаҳар босқичининг голиби деб топилди. Мирзо Улуғбек туманидаги 286-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Дилфуза Шукурова ҳамда Собир Раҳимов туманидаги 242-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Зиёда Аъзамхўжаевалар иккинчи ўрин, Миробод туманидаги 147-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Надежда Матвеева ва Ҳамза туманидаги 206-мактабнинг она тили ва

Маълумлар

«Йил ўқитувчиси — 2005»:

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўқитувчи, устозлар ҳақида фахр-ифтихор билан сўзлар эканмиз уларнинг машаққатли ва шарафли вазибаларини ҳамisha қадрлаймиз ва эъзозлаймиз. Зеро халқимизда «Устоз — отангдек улуг» деган нақл ҳам бежиз айтилмаган.



эътибор тўғрисида фахрланиб гапирди ва танлов иштирокчиларига омадлар тилади. Иштирокчилар танлов Нисомига асосан тўрт шарт, яъни педагогик фаолиятдаги инновацион йўналишда олиб бораётган иши ва истиқбол режаси, мурақаб педагогик ва психологик вазиятларда одилона ва оқилона йўл тутиш ҳамда илҳомлантириш ва педагогик актёрлик маҳорати, кизиқишлари бўйича ўзаро беллашиб, маҳоратлари ва истеъдодларини намоийш этдилар. Танлов иштирокчиларининг ҳар бир чиқишлари

ри ижросидаги қувноқ куй-қўшиқлар, гўзал рақслар кечага ўзгача фойз киритди.

— Ҳар йили «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловини ўтказишдан асосий мақсад, ўз касбига меҳр қўйган, ҳар томонлама зукко, билимдон ўқитувчиларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришдан иборат. — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бoshқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдуманноп Собиров. — Бугунги танлов иштирокчилари ҳам «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий

адабиёт ўқитувчиси Назоқат Кундузовалар учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Танлов якунида барча иштирокчилар ва голиблар Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бoshқармаси ҳамда шаҳар Фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси томонидан Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Муяссар Хайдарова танловнинг республика босқичига йўллангани қўлга киритди.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: «Йил ўқитувчиси-2005» кўриктанловидан лавҳалар.

Таълим

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Шаҳримизда фаолият юритаётган Тошкент халқаро Вестминстер университети таҳсил олишни истовчи ёшлар сафи тобора кўпайиб бормоқда.

Жаҳон андозлари асосида таълим беришга ихтисослашган мазкур университет талабаларига замонавий технологиялар ёрдамида билим берилди. Дарвоқе, жорий йилда мазкур илм даргоҳини битираётган биринчи қалдирғочларга дипломлар топирилади. Шунга таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда шаҳримиз мактабларининг

кўпгина ўқувчилари мазкур зиё масканига кириб ўқишни хоҳлашмоқда. Хўш, халқаро Вестминстер университетидеги ўқиш учун абитуриент нима қилиши керак? Халқаро Вестминстер университети раҳбарияти юқоридаги саволларга жавоб излаётган ёшлар учун қулай имконият яратди. Кунги кеча мазкур илм даргоҳида «Очиқ эшиклар кунини»

тадбири ўтказилди.

Шаҳримиз мактабларининг юқори синф ўқувчилари «Очиқ эшиклар кунини» муносабати билан университетга ташриф буюришди. Эътиборлиси, университетнинг педагоглари ёшларни ўқув масканининг ҳаёти билан яқиндан таништиришди, кутубхона, компьютер хоналари ва таълим бериш услулари ҳақида тўлиқ маълумот олган ёшлар имтиҳон топириш жараёни ва IELTS дастури бўйича тайёрлов курслари фаолиятдан ҳам хабардор этилди.

Хуллас, «Очиқ эшиклар кунини» шаҳримиз мактаблари юқори синф ўқувчиларида катта таассурот қолдирди.

Дилфуза КҮЛДОШЕВА

У туғилган кун ота-она беҳад дувонди. Бахтли бўлсин келган ниятда унга Бахтиёр деб исм қўйишди.

Бахтиёр она алласидан яйраб, иссиқ бағрида ором олди. У биринчи бор оёққа турганида ота-онанинг қалби олам-олам қувончга, кўзлари нурга тўлди. Шу кун ота ўғлига кичкина велосипед, она эса каттагина «айқча» совға қилди.

Бахтиёр биринчи бор мактабга борадиган кун ота ўғлининг қўлидан етаклади. Ота ва ўғил йўлдан ўтишаётганда фалокат юз берди. Тез келаётган машина отани уриб юборди. Бечора ота теласида мўлтираб турган ўғлига термулганича оламдан ўтди.

Ўғил она оғушида катта бўлди. Узоқ тунлар юлдузли осмонга тикилганча она эрталарини мириқиб тинглади. Ўзини синфини битириб институтга борди. Шу кезлари она ўғлим ўқишга кириб олсин, деб роса елиб-югурди...

Бахтиёр дипломи кўлга олган кун она йиллаб йиғиб-терганини сарфлаб ўғлини ўйлантирди. Унинг қувончи чексиз эди.

Ўғил ва келин она иззатини жойига қўйишди. Кейин... Кей-

ин ўқимишли ўғил билан келиннинг бу эски уйда турғилари келмай қолди. Домга кўчиб кетишди. «Отангнинг чироғини ўчирмайман», дея она эски ҳовлисида қолди. Ўғил охириги келишида «хаётдан орқада қол-

бор эди. Уларнинг ҳар бир сўзини бечора она жон қўлоғи билан тинглади. Ўғли шайнига айтилган мақтовлардан кўкси тоғ эди. У орау қилган кун келганди. Бир кун ўғлининг худди шундай бўлишини

Эртасига ҳамма кетгач, ўғил онага захрини сочди.

— Бу қанақа нодонлик, — деди у ўдағайлаб. — Кўпчиликнинг олдида мени шарманда қилиб, титраб-қақшаб сўз айтишга бало бормиди? Мана бу падар лаънати рўмолча нима-си?

Жаҳл устида ўғли совға рўмолчани парча-парча қилиб йиртиб ташлади. Она даҳшатдан қотиб қолди-ю, бирдан юрагини чангаллади.

Афсус, Бахтиёр онаси бутун кучини, қалб қўрнини ўғли учун бахшида этганини тушунмади. Шунинг учун у оғиз тизза ва бармоқлар титраб-қақшаётганини билмади. Ҳада этилган рўмолча бир вақтлар онасининг табаррук қўли билан тикилганини, кейин муҳаббат рамзи сифатида отасига ҳада этилганини, отаси эса уни йиллар бўйи авайлаб-асраганини ва ниҳоят бу рўмолчани ўғлининг яхши кунларидан унга совға этишини орзу қилиб юрганини билмади.

Бечора она шу кун она энг табаррук совғасидан, ҳам ўғлидан жудо бўлганини тушундию, кўзларидан тирқираб чиққан ёшларни тия олмай қолди.

Максуд ОРИПОВ

ЎКИНЧ ЁШЛАРИ

ҚАТРА

ган» онасини койиди. Ҳадеб келаверишга вақти йўқлигини рўқач қилди. Шу баҳона бўлдию, у бутунлай келмай қўйди.

Бахтиёр олим бўлган кунни кўни-қўшини онани ўғилнига олиб кетишди. Уша кун она бечора анчагача ўғлига нима ҳада қилишини билмай уйда қаловланиб юрди. Ниҳоят ўйлай-ўйлай отасидан қолган ёдгорлик рўмолчани ўғлига совға қилиш учун олволди.

Катта хона одамлар билан лик тўла эди. Уларнинг ҳаммаси Бахтиёрни табриклашга ошиқшарди. Сўз айтувчилар орасида кекса олимдан тортиб, оддий касб эгаларигача

орзу қиларди. Яхши ният, ярим мол эканда. Ўғли онасининг юзини ерга қаратмабди. Шу хаёл билан она бирдан ўрнидан туриб кетганини, ўғлининг олдида келиб, уни қучоқлаб ўпганини билмай қолди. «Раҳмат болам» дерди у такрор-такрор лаблари пичирларкан. Бошқа сўз гўё ортиқчадек эди. Қувончдан тиззалари қалтираб, кўллари титраётган она олиб келган совғасини авайлаб ўғлига узатаркан, зўр-базўр: «Марҳум отанг билан менинг арзимас совғам бундиди. Кейин олқишлари қарсақлардан кўзи тиниб боши айланиб кетди. Секин ташқарига чиқди.

Ошма даврасида

сўхбатлар

Ўй бекаларига таслаҳатлар

ПИЦЦА ТАЙЁРЛАШ

Хаамирига: 0,5 литр суг, 100 грамм сутли маргарин, 2 ош қошиқ шакар, керагича ун, бир ош қошиқ хамиртуруш, таъбга кўра туз керак бўлади.

Қиймасига: 0,5 килограмм қийма, 4 дона пиёз. Пицца устига қўйиладиган масаллик: 300 грамм пишлок, 5 дона помидор, 200 грамм кетчуп, укроп, 200 грамм сабзи тузламаси, 2 та тухум керак бўлади. Хаамири тайёрлаб икки соат давомида оширилади. Қийма эса пиёз билан қовурилади. Ошган хаамирини духовка патнисига думалоқ шаклда ёйиб устига қийма бир текис солинади сўнг устига помидорни паррак қилиб кесиб қўйилади. Ва сабзи тузламаси солинади. Кейин хаамир четлари сал қайрилиб тухум нақиб устига қўйилади. Майда тўралган қўкат сепилиб, кетчуп ипсимон ҳолда қўйилади. Устига қирғичдан ўтказилган пишлок бир текис солинади ва пицца 40 дақиқа давомида ўртача оловда газ духовкасида пиширилади.

КАРТОШКАЛИ ПИРОГ

Хаамирига: 250 грамм сутли маргарин, 3 стакан ун, 1 стакан қатиқ, 1 чой қошиқ истеъмол содаси, таъбга кўра туз.

Қиймасига: 0,5 килограмм қийма, 4 дона картошка, 4 дона пиёз, кашинч уруғи (майдалаб), зира ва таъбга кўра туз солинади.

Хаамири тайёрлаш учун хона хароратида юмшаган маргаринга урни солиб яхшилаб аралаштирилади. Унга сода ва туз солиб кўпиртирилган қатиқ солиб юмшоқ хаамир тайёрланади. Хаамир бироз тингач иккига бўлиб, духовка патнисига мослаб ёйилади ва устига қиймага майда тўралган картошка солиб аралаштириб хаамир устига бир текис солинади.

Иккинчи хаамир бўлаги ҳам ёйиб устига қўйилади ва хаамир четлари чимдиб чиқилади. Пирог устига қатиқ ёки тухум суриш мумкин. Пирог ўртача оловда духовкада 40 дақиқа давомида пиширилади.

Ўй-рўзгор ташвишида

ГИЛАМ ҚАНДАЙ ТОЗАЛАНАДИ?

Маълумки, ҳар бир хонадон хўжалик бисотида гилам, шолча ва поёндозлар мавжуд бўлиб, уларни аксарият ҳолда оёқ остига тўшайдилар. Гилам фақатгина оёқни зах ва намликдан муҳофаза этиб қолмай, у хонадоннинг мўътадил бўлишига, маълум даражада шовқин ва чанг ютиш хусусиятига эга. Шу туфайли ҳам гиламни вақти-вақти билан тозалаш туришга тўғри келади.

Хозирги пайтда кўпчилик хонадонларда чанг ютгичдан фойдаланиш одат тусига кирган бўлсада, гилам тозалашнинг бошқа усуллари ҳам бор. Катта, залворли гиламларни ташқарига чиқариб қоқиш қийин бўлганлиги

учун уни хонанинг ўзида ҳам тозалаш мумкин. Гилам супуририлганда чанг чиқмаслиги учун қуйидагича оддий амалдан фойдаланиш мумкин. Гилам устига сархил ўтларни майдалаб ёки хали нам бўлган шама ёхуд бироз на-

мланган қипиқ юпка қилиб сепадилади, сўнг гилам ўртасидан бошлаб супурилади.

Мабодо гиламда ёғ доғлари бўлса бўр кукунни ёки талқдан фойдаланиш мумкин. Доғ юзига бўр сепади, унинг устига босма

Битирувчи — 2005

ХАЙР, МАКТАБИМ!

Айни дамда шаҳримиздаги барча мактабларда ўзгача байрам шукхи кезмоқда. Қўлига илк бор қалам тутказган, ҳарф танитиб, ўқиш ва ёзишни ўргатган, меҳр қўри билан таълим-тарбия берган устозлар сабоғини олган битирувчилар учун шу кунларда ҳам шодиёна, ҳам бироз қайгули десак хато қилмаймиз. Битирувчиларнинг ўқиб, таълим олиб, етуқлик томон қадам қўйиши бир шодиёна бўлса, ўғитлари ҳамда сабоқлари билан хурматга сазовор устозлардан, жонажон мактаби ва синфдошларидан айрилиш бир оз қайгули.



Шайхонтоҳур туманидаги 262-мактабда ҳам кеча «Сўнгги кўнгирик» байрам тадбири ўтказилди. Хозирда 1156 та ўқувчи таълим олаётган ушбу мактабнинг 8-қалдирғочлари янги ҳаёт сари учирма қилинди.

— Мактабимиз 1996 йилда ташкил қилинган, — дейди жумладан мактаб директори Гулноза Зоирова. — Бугун 140 нафар ўқувчи-лар мактабимизни битиришиб, олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежлари сари қадам ташламоқдалар. Шуни фахр билан тилга олиш керакки, битирувчи ўқувчиларимиз орасида аълочи, билимга чанқоқ, зехни ўткир ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Жамшид Хасанов, Самариддин Сирожидинов, Наргиза Фабуровалар шулар жумласига киришади.

— Бугунги кун мен учун ниҳоятда ҳаяжонли дамлар десам янглишмайман, — дейди 9-синф битирувчиси Наргиза Фабурова. — Сўнгги кўнгирик қалиниши, бу бизни янги ҳаёт сари қузатишларидан дарак беради. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, устозларим сабоқлари менга тўғри йўл танлашимда, илм сирларини чуқурроқ ўрганишимга йўл-йўриқ курсатди. Қалби қайноқ, меҳрибон устозларимдан ниҳоятда миннатдорман.

Тадбир ниҳоясида битирувчилар ўзлари тайёрлаган эсдалик совғаларини устозларига инъом этиб, улар учун қуй-қўшиқлар ижро этишди.

Орзуқой РУСТАМОВА
Тўлқин Каримов
олган сурат.

қоғоз қўйиладиди, иссиқ бўлмаган дазмол юргизилди. Босма қоғоз ёғ билан шимилганда бошқаси билан алмаштирилади.

Гиламга сиёҳ тушгудек бўлса, сингит кетишига йўл қўймай, бирорта латта, пахтали пилик ёки босма қоғоз билан артиб олиш керак. Сўнг қайноқ суг, лимон кислотаси, сирка ёки лимон шарбати билан ишқалаш даркор.

Гилам қоқишнинг аънаванавий тури — гиламни тоза қор устига тескари ёйиб, устидан енгил шиб-балаш, қор сепиб супуриб ташлаш билан уни чанг, гурбордан бир қадар мусаффо этиш мумкин.

Шарқ дурдоналари



● Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир; кимдаки шу фазилат бор экан, у ғурурланса арзийди.

● Мардлик одамларни хаттарли дақиқалардан ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир.

● Хатарни кўркмай барта-раф этиш эмас, балки уни юзма-юз қарши олиш мардликдир.

● Давлатингдан айрилсанг кўп нарсани йўқотмайсан, номусингдан айрилсанг — кўп нарса йўқотасан, мардлигингдан айрилсанг — ҳамма нарсангни йўқотасан.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтади: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўша уларга қўшилма. Шо-шилдиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама». Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улғурган олдида тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қўйиб солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма, меҳмонлар олдида бир-ровга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсухбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб об-рўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббуллардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта уни улдасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма.

Хикоят: зўравонлик камарини белига боғлаб, ўзига ўн та келадиган чигирткани кўтариб кетаётган бир чумолини кўрдилар. Таажжуб билан айтдилар:

— Бу чумолини кўринг, шу қадар кучсиз бўлгани ҳолда бунчалик оғир юкни ташимокда.

Чумоли бу сўзни эшитиб қулди ва:

— Мардлар юкини гавда қуввати ва тан салобати билан эмас, ҳиммат кучи ва бирлик билаги билан ташийдилар, — деди.

Баит:
Агар доно бир иш
чикмасас дунёда
донодан,
У нодонлар билан
тенг ўтса мумкин
ушбу дунёда.

● Оқилона иш туттиш учун биргина ақлнинг ўзи камлик қилади.

● Доношманд — баққолнинг дўқонига ўшайди, бори-нини индамайгина курсатди — қўяди; нодон эса лашкар ноғорасининг ўзи: овози баланду, ичи бўм бўш ва ғариб.

● Оқил билан телба ўртасидаги бутун айирма шундаки, оқил одам доимо фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапирди, телба-нодон одам эса доимо гапириб, ҳеч вақт ўйламайди. Оқил одамнинг тили хамиша фикрининг изми-ди; телба-нодонда бўлса бунинг акси. Оқил одамнинг тили тафаккурнинг тилмочи, телба-нодоннинг тили эса гап ташувчи ва ғийбатчидир.

● Фақат нодонларгина қулмай яшайдилар.

«Баркамол авлод-2005»

МУСОБАҚАЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАГА КИРМОҚДА

Тошкент вилоятида мамлакатимиз академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қизгин давом этмоқда.

Шахмат, волейбол, стол тенниси ва теннис беллашувлари ҳам муросасиз баҳсларга бой бўлаётди.

Андижонлик волейболчи йигитлар сурхондарёлик тенгдошларини 3:0 ҳисобида доғда қолдирган бўлса, самарқандлик спортчилар Фарғона терма жамоаси устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Волейнинг яна бир жамоаси — Наманган волейболчилари хоразмлик талабалардан устун келди — 3:0.

Қизлар баҳсида Сирдарё жамоаси вакиллари самарқандлик дугоналарини енгилмади - 1:3. Наманганлик волейболчилар эса сурхондарёликлардан 3:0 ҳисобида устун келди. Пойтахт қизлари 1:3 ҳисобида қорақалпоғистонлик спортчиларга имкониятини бой берди.

Турли масофаларга брасс, чалқанча ва эркин усулда сузиш бўйича қизлардан пойтахт вакиллари — Мария Райлен ва Евгения Лилиева, фарғоналик Галина Галаванова олтин медалга сазовор бўлди. Усмирлар ўртасида эса пойтахт вакиллари — Сергей Цой, Максим Ким ва навоийлик Тимур Муҳиддинов маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Қизлар ва ўғил болалар ўртасида ўтказилган эстафетада пойтахтлик қизлар ва ўғил болалар жамоалари навбатдаги олтин медалларни қўлга киритишди.

Гандбол бўйича қизлар ўртасида ўтказилган навбатдаги тур учрашувларида Сурхондарё жамоасини 18-28 ҳисобида мағлуб этган Наманганлик гандболчи қизлар иккинчи ғалабасини нишонладди.

Қолган натижалар аса қуйидагича: Сирдарё — Бухоро 19-22, Навоий — Сурхондарё 5-32, Самарқанд — Қорақалпоғистон 35-20, Фарғона — Қашқадарё 22-12.

Футбол беллашувлари натижалари қуйидагилардан иборат бўлди:

Жиззах — Тошкент шаҳри 1-4, Хоразм — Фарғона 2-3, Самарқанд — Сирдарё 14-0, Навоий — Наманган 3-4.

Баркамол авлод» спорт ўйинларининг миллий курашчилари мусобақанинг биринчи кунини давом этмоқда.

(ЎЗА)

Ислохотлар оқинида

ОИЛАВИЙ ШИФОКОРЛИК ТИЗИМИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Мана бир неча йилдирки, мамлакатимиз шаҳар ва вилоятларида оилавий шифокорлик тизимига босқичма-босқич ўтилмоқда. Оилавий шифокорлик — бу тиббининг алоҳида бир мутахассислиги бўлиб, кенг маънода ўз ичига педиатрия, гинекология ва терапия соҳаларини қамраб олган. Унинг диққат марказида ягона — инсон саломатлиги, унинг биологик, психологик ва ижтимоий муаммоларини ечиш ётади. Шу йўсинда албатта оила шифокори ҳам билимли, малакали, масъулиятли, қатъий ва ақл-заковатли бўлиши керак.

Собир Раҳимов туманида жойлашган 33-оилавий поликлиникада ҳам 2003 йилнинг март ойидан оилавий шифокорлик тизимига дастлабки қадамлар қўйилди. Албатта ходимларнинг узлуksиз ўқиши ташкил қилинди, бир қатор институт ва клиникалардан малакали мутахассислар жалб қилиниб, ўқиш машғулотлари олиб борилди, шифокорларнинг билим ва тажрибалари оширилди. Худуд аҳолисига ҳам бу янгилик бўлди.

Спорт

СИХАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Халқаро ҳуқуқ, Халқаро муносабат ҳамда Халқаро иқтисодиёт факультетларининг 1,2-босқич талабалари ва университети ўқитувчилари ўртасида минер-футбол, волейбол бўйича уюштирилган мусобақа Сихат-саломатлик йилига бағишланди.

Мини-футбол бўйича ўтказилган беллашув кизиқарли ва муросасиз кечди. Шиддатли ҳужумларга, чиройли комбина-

цияларга бой ўтган баҳс 10:9 ҳисобида ўқитувчилар жамоасининг ғалабаси билан якунланди.

Волейбол баҳсида ўқитувчилар жамоасига қарши ўйнаган талабалар уюшқоқ ҳаракат қилиб 3:2 ҳисобидаги ғалабага эриштиди.

Мусобақалар якунида қўлибларга мутасаддиқларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Шахноза ТҲТАБООЕВА

Мунажжим башорати

МЕҲНАТ БАХТ КЕЛТИРАДИ

27 МАЙ, ЖУМА

Мунажжимлар бугун ҳамма нарса бахту омадингиз ишга муносабатингиз ва қобилиятингизга боғлиқ эканини башорат қилишяпти. Кунинг астрологик фони осойишта бўлиб, фақат қисқа вақт — соат 18.23 дан 21.11 гача Ойнинг йўналишсиз ҳолатда бўлиши баъзи бир мураккабликларни туғдириши мумкин. Бугунги куннинг рамзи ҳаракатлар эркинлигига, ҳар бир инсон олдида очилмаган кенг истиқболларга ишора қилади.

Айни пайтда қуёш тақвимидаги саккизинчи кун рамзи ҳаётнинг олий мақсад-маънунини излаш илоҳий ҳузур-ҳаловатга эришишни билдиради. Бугун муғомбирлик қилиш, алдаш, бир-бирига фириб бериш мумкин эмас. Ҳар қандай бўлишидан қатъий назар, фақат ҳақиқатни гапиришга ҳаракат қилинг. Ғийбат-бўхтон ва бировни ёмонлаш охир-оқибатда ўз-ўзингизга ёмонлик бўлиб қайтиши мумкинлиги ёдингизда бўлинг. Албатта болаларингизнинг гап-ларига қулоқ тутинг, уларнинг эркаликларини кўтариб, илтимосларини ерда қолдирманг.

Шуни ҳам айтиш керакки, шу кунни туғилган кишиларда салбий маънода ўзларини улуғлаш, имкониятларига ҳаддан зиёд баҳо беришга мойиллик бўлади. Лекин бугун чин дилдан қилинган ҳаракат юксаликка эришиш йўлида муваффақият келтириши аниқ. Шунинг учун бугунги кунни маънавий уйғониш кунини ҳам дейишади.

Шундай қилиб, бугунги кун сафарларга отланиш, ҳуқуқшунослар билан мулоқотда бўлиш, маблагларни инвестиция қилиш учун қулай келади. Кунни шаҳар ташқарисида ўтказиш, яхшилаб дам олиш ёки далада экинлар ва мева-ли дарахтлар парвариши билан шуғул-

ланиш ҳам мумкин.

Шу кунни ялтироқ буюм толиб олсангиз — бу келажак, омад ва совға-саломдан дарақдир. Мабоодо, қутилмаганда тепа-пангизда чироқ ёнса ёки олов алангаланса — бу ҳам муваффақият ва сизга келажак кўмакдан оғохлантириш ҳисобланади. Бугун соатнинг бузилиши, ша-моқдан дерезанинг очилиб кетиши — сиз хатоликларга йўл қўяётганингизни билдиради. Кўзгу парчасини толиб олишингиз — ҳаётингизда яқин орада юз бера-гаж ўзгаришларга ишора. Бирон-бир кишидан бирон хабар ёки хат олишингиз ўша киши билан узоқ вақт давомида ўзаро амалий ва дўстона алоқа ўрнатилишингизни билдиради.

Бу кеча кўриладиган тушлар алоҳида эътиборга арзимайди. Жигар ва қонни тозалаш, таом сифати-га эътибор қилиш, ҳар қандай ҳолатда бўкиб овқатланмаслик кунини соғ-саломат ва ҳушқоққақ ўтказишингизга омил бўлади. Бугунги энг яхши егулик — цитрус мевалари ва резворлардир. Донорлик ва қон қуйдиришни бошқа вақтга қолдирганингиз маъқул.

Кийинишда кўк ва қизил рангларга устуворлик беринг. Қора, яшил ва ҳаворанглардан бугунча воз кечганингиз маъқул.

БУГУН:

- анчадан буён ҳозирлик-кўриб юрган тавмирлаш ёки қурилиш ишига киришиш;
- экинларни чопиқ қилиш, уларни парваришлаш;
- уйларни кўтариб, ҳамма ёқни тозалаш;
- болаликдаги дўстлар билан учраш-иш, улар билан зиёфатлар уюштириш;
- ота-оналар ва бошқа қариндош-уруғлар ҳузурига ташриф буюриш;
- берилиб меҳнат қилиш ва мириқиб дам олиш тавсия этилади.

ўтгач, ушбу оиладан хабар олганимда она ҳам, бола ҳам касалликдан анча фориб бўлишган, иситмаси йўқ, қизалоқ бемалол ўйнаб юрганлигининг гувоҳи бўлдим. Она хурсанд бўлиб бу тизим қилга жуда маъқул бўлганлигини маълум қилди. Бу борада оила шифокорларининг малакасини оширишда бизга яқиндан ёрдам бериб келаётган 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтидаги «Оилавий шифокорлар малакасини ошириш: ўқув маркази» кафедраси ўқитувчи ходимларининг хизмати бениҳоя чекисиздир. Айниқас кафедра раҳбари Назира Нормухамедованинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан.

Юртбошимизнинг раҳбар қанчалик ақли ва ўткир, чуқур билим ва кенг тажрибага эга бўлмасин, унинг бир ўзи ҳеч нарсага эришолмайдиган деган фикрларидан келиб хулоса қилсак, бугунги кунда оилавий шифокорлик тизимида олиб борилаётган ислохотларни барча шифокор ходимлар ўзаро ҳамкорликда, ҳамфикр ва ҳамжихатликда олиб бораётганини кўзлаган мақсадимиз — аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом турмуш тарзига эришишнинг улдасидан чиқамиз. Бу борада ҳар биримиз малакали ва масъулиятли бўلسак ҳуд.

Дилдора ХУДОЙШУКУРОВА, 33-оилавий поликлиника шифокори

Ёшлар — келажакимиз КАСБИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчиликлари, ютуқлари бўлади албатта. Мен Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг учинчи курсини муваффақият-ли тугатиш арафасидаман. Ўтган шу давр ичида орзуларим йўлидаги дастлабки ютуқларга эришдим десам муболага бўлмайди.

Чет тилларни ўрганиб, таржимон бўлишни ўзим учун шарафли касб деб биламан. Ахир ўз мустақил, озод ва обод юртинг, давр билан ҳамнафас замондошларинг ҳақида чет эллик меҳмонлар қарши-сида, хорижий тилларда равон сўзлаш албатта ўзгача бир қувонч бағишлайди.

Кунни кеча «Ўзбекистон» спорт мажмуида дэю-до бўйича ўтказилган нуфузли мусобақаларда мен чет эллик меҳмонлар билан илк бора мулоқотда бўлдим. Жаҳонга юрт доврўгини таратаётган спортчиларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари умуман Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаётгани ва ёшларимиз шундай жамиятда эмин-эркин, бахтли яшаётгани ҳақида уларга гапириб бердим ва бундан кўнглим фахр-ифтихорга тўлди. Айни вақтда илм-ширларидан хабардор қилиб, тил ўрганишимизга катта ҳисса қўшаётган университет раҳбарияти, устозларим, ёшларга ҳаминша кўмакчи бўлиб келаётган «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг университети бошланғич ташкилоти раҳбари Шухрат Нуриддиновлардан бир умр миннатдорлигимни ҳис қилдим. Мен келажакда касбимни чуқур эгаллаш учун яхши ўқиб, магистр даражасида илмий ишлар қилишни ва юртимга хизмат қилишни ният қиламан.

Ситора РАҲМОНОВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети учинчи босқич талабаси



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНАЛР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усунлида босилади. 5009 нусхада босилди: Котга биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқичларидан 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Напр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мувожаат қилишнизи мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.